*ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!*

# MAHALLA

O'ZBEKISTON OQSOQOLLAR KENGASHI "MAHALLA"

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 50 (277) | 2001 йил 12 декабр, чоршанба | Газета 1996 йил январ ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

# ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВЕНА УЧРАШУВЛАРИ

**10 Декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Австрияга жўнаб кетган эди.**

**Вена.** **11 декабр. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.**

Бугун эрталаб Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган «АНА Гранд» меҳмонхонасида Австриянинг собиқ Федерал канцлери Франц Враницкий ҳамда Контролбанк ижрочи директорлар кенгаши аъзоси Рудолф Шольтен билан учрашди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш, ишбилармонларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш, Ўзбекистонга Австрия сармояларини кўпроқ жалб этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Маълумки, Ф.Враницкий Федерал канцлер лавозимида ишлаган пайтда Ўзбекистонга ташриф буюрган. Шундан буён у билан Ислом Каримов ўртасида қалин шахсий дўстона муносабатлар қарор топган. Айни пайтда Ф.Враницкий Австрия ишбилармонлари уюшмасига раҳбарлик қилади. Ислом Каримов Ўзбекистон-Австрия муносабатлари ривожида бу инсоннинг ҳиссаси катта эканини алоҳида таъкидлади ва австриялик ишбилармонларни Ўзбекистонга янада кўпроқ сармоя киритишга даъват қилди.

Президентимиз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) бош котиби Ян Кубишни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон-ЕХҲТ муносабатлари, мазкур ташкилот фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Ислом Каримов ЕХҲТнинг хавфсизлик масалаларидаги иштирокини кенгайтириш, ташкилотнинг бу борадаги амалий ҳаракатларини кўпайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканини таъкидлади. Учрашувда Афғонистонда юз бераётган воқеалар хусусида ҳам фикр алмашилди.

Мазкур учрашувлардан кейин Президент Ислом Каримов «Хофбург» саройига келди. Уни Австрия президенти Томас Клестил кутиб олди. Олий даражадаги меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортиб, икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради.

Президентларнинг яккама-якка суҳбатида Ўзбекистон билан Австрия ўртасидаги сиёсий-иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Австрия раҳбари мамлакатларимиз улкан иқтисодий салоҳиятга эга эканини, Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташрифи мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиб, ўзаро ҳамкорлик кўламини оширишга йўл очишини таъкидлади. Айни пайтда у Ўзбекистоннинг халқаро сиёсат майдонидаги ташаббускорлик фаолияти, терроризмга қарши кураш борасидаги сайъ-ҳаракатларига юқори баҳо берди.

Сўнгра шу ернинг ўзида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда автомобил, темирйўл ва дарё транспорти, халқаро юк ташиш соҳаларида ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Вена университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Австрия Федерал канцлери Волфганг Шюссел, Миллий кенгаш (парламент) раиси Ҳэнц Фишер ҳамда ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Вальднер билан учрашди.

Давлатимиз раҳбарининг Австрияга расмий ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА)**



**Суратда: учрашув пайти.**

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

## Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида

**Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шарт-шароит яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси**

**қарор қилади:**

**1**. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2002 йилда ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

**2.** Муборак ҳаж сафарини ташкил қилиш, зиёратчилар рўйхатини республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг жойлардаги бўлинмалари вакиллари иштирокида кенг жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда тузиш, мусулмонларнинг талаб-эҳтиёжларини адолатли равишда қондириш масъулияти Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, унинг жойлардаги мутасадди вакиллари зиммасида эканлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита уларга ёрдам кўрсатиши эътиборга олинсин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (З.Мирхўжаев) Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга биноан, мамлакатимиздан ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1482 (бир минг тўрт юз саксон икки) АҚШ долларини имтиёзли алмаштириб беришни таъминласин.

Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўм маблағларини жойларда йиғиб олиш ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг масъул ходимлари зиммасига юклансин.

Бу маблағлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Миллий банкдаги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, белгиланган миқдори ҳамда ҳаж зиёратчиларига хизмат кўрсатувчи ишчи гуруҳининг сафар харажатлари банклараро савдо сессияларида хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф асосида ўрнатиладиган эркин курс бўйича эркин муомаладаги валютага конвертация қилинсин. Конвертация қилиш чоғида улар воситачилик йиғимларидан озод этилсин.

**4**. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг чет эл банкларидаги корреспондент ҳисоб рақамлари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

**5**. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (А.Рўзметов) 2002 йил февраль-март ойларида зиёратчиларнинг ҳаж сафарига бориб келишлари учун қулай шароит яратиш, Тошкент-Жидда-Тошкент йўналишидаги авиачипталарнинг нархини арзонлаштириш чораларини кўрсин.

**6**. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талаблар ва мамлакатнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни кўрикдан ўтказишни, ҳаж даврида уларга ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.

**7**. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов), Давлат божхона қўмитаси (Ў.Комилов) Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тақдимига кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.

**8**. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ноқонуний йўллар билан ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгиласинлар.

**9**. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва оммавий ахборот воситаларига муборак ҳаж зиёратининг моҳияти, талаблари, муддати ва уни амалга оширишнинг тартиб-қоидалари ҳамда унинг якунлари кенг ва ошкора ёритиб бориш тавсия этилсин.

**10**. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

**Тошкент шаҳри,**
**2001 йил 7 декабрь**

Бугунги воқелик таҳлили

**Акмал САИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати**

# РЕФЕРЕНДУМ ДЕМОКРАТИЯ ТИМСОЛИ

***Ўзбекистон парламенти 6 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.***

Референдум билан боғлиқ долзарб масала - мустақил Ўзбекистонда Шарқ демократиясини тиклаш, асослаш ва ҳаётга тадбиқ этиш изчил олиб борилаётганлигининг яна бир ёрқин далилидир. Асрларга татигулик ўзгаришларга бой тарихий ўн йилликда жамиятни демократик бошқариш, зарур муҳим масалаларни умумхалқ овозига, сўровига ва муҳокамасига, кўпчиликнинг маслаҳатига қўйиб ҳал қилиш Ўзбекитонда қарор топганлигининг нишонасидир.

Дадиллик, жасорат ва ақл-заковатга асосланган бошқарув услубининг энг муҳим белгиси бўлган референдумнинг тархий, ижтимоий илдизлари, руҳий замини аждодларимиз тажрибасига бориб тақалади. Буюк бобомиз Амир Темур ўз тузукларида ёзади: **«Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим».**

Бинобарин, аждодларимиз орзу қилган адолатли демократик давлат ва фуқаролик жамиятини мукаммал барпо этиш буюк эзгу мақсадимиздир.

Шунинг учун ҳам эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида амалга ошираётган ишларимиздан ҳисобланган референдумнинг Ўзбекистонда қўлланиши халқимиз томонидан катта кўтаринкилик билан қўллаб-қувватланмоқда.

Маслаҳатли тўй тарқамас, дейди халқимиз. Ижтимоий ҳаётимиздаги муҳим муаммо ва масалаларни заковатли, қалби гўзал ва бой, донишманд халқимиз билан ошкора ва эркин маслаҳатлашиб, кенгашиб ҳал этиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш, амалга ошириш Ўзбекистонда давлатчиликни мустаҳкамлашга ва демократияни чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу тўғри йўлдан собит қадам ташлаган Ўзбекистон барқарорлик ва тинчлик, эркинлик шароитида Ўрта Осиёдаги ҳақиқий ошкоралик ва муроса дорилфунунига айланди.

Референдум ўтказиш ҳақидаги қарорнинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг янги XXI асрга умид ва ишончларга тўла давр билан кирганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Президенимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона, тинчлик, барқарорлик, мўътадиллик ва муроса сиёсати, бугунги кунда халқимизни, эзгу ниятли бутун жаҳон халқини мамнун этмоқда.

***Ислом пок ва эзгу, ҳаққоният динидир. Оллоҳга шукрлар бўлсинким, Ўзбекистонимизда Истиқлол байроғи кўтарилиб, мустақиллик эълон қилинган кундан бошлаб исломга бўлган ҳурмат тикланди, унга чин дилу қалбдан хизмат қилган кишилар, буюк алломалар номи, қадрияти ўзининг муқаддас ўрнини топа бошлади.***

# ИМОН ГАВҲАРИНИ ПОКИЗА САҚЛАЙЛИК

Фуқароларимиз Маккаи мукаррамага, Мадинага, Пайғамбаримиз (САВ) яшаб ўтган муборак юртга, Ҳаж сафарига бемалол бориб кела оладиган бўлди. Қуръони карим биринчи бор ўзбек тилида икки маротаба кўп нусхада чоп этилди. Янги масжид, мадрасалар фаолият кўрсата бошлади. Айниқса Юртбошимиз Ислом Каримовнинг миллий-диний қадриятларимизни қайта тиклащ ва камол топтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари, шахсий ибратлари, асарлари, улуғвор мақсадлари ўзбек халқининг ислом динига бўлган ихлосини, эътиқод ва садоқатини жаҳон аҳли кўз ўнгида сарафроз этди.

Буюк бобомиз Амир Темур "Темур тузуклари"да ёзадилар: "Давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим - Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим".

Бинобарин, халқимиз имон-эътиқодининг бутунлиги, пок, исломий ақидаларга содиқлиги жамият маънавий поклигининг гаровидир.

**Давоми 2-бетда**

**Янги, 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили бўлади**



***Кўп нарсани бошдан ўтказдик. Энди пешонамизда бугунгидек қадрланишлар ҳам бор экан.***

# ҚАЛБИМДА ТУҒЁН

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан ўтказилган тантанали мажлисдан кейин

**(ЭССЕ)**

Оқ зарлар билан ўралган Қиш кириб келар экан, ҳамма унинг олдида тиз чўкиб, кутиб олди.

- Бундай илтифотни кўрган Қиш, демак, бу ерда қанчалик хоҳласам, шунчалик ҳукмронлик қилсам бўлар экан, деган хаёл билан ҳамма ёқни музлата бошлади.

На бир дарахт гуллай олади, на бир гул очилади!..

Одамни карахт қилди, йўқликка олиб келди Қиш!..

Ҳамма нарсани ўз вақти-соати бор экан.

Баҳор кириб келди!

Жаъмики мавжудот уйғонди, дарахтлар гуллай бошлади.

Ҳамма нарсани ўз вақти-соати бор экан.

Ёз кириб келди!..

Ўзининг тўкин-сочинлиги, мева-марваридлари билан - Ёз кириб келди!..

Мен бугунги кунни Ёзга ўхшатаман.

Асосий Қонунимиз бўлмиш - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши кунининг 9 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали мажлисдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг, кириб келаётган 2002 йилни, «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилишлари, бунинг энг ёрқин мисолидир.

Ортда - фуқаролар уруши ва босқинчилик.

Ортда - «совуқ уруш».

Ортда - «қайта қуриш» ва даста-даста купон.

Ҳаммаси ортда

Ҳаттоки, Худога шукр, мустақиллигимизни «кимлардир» тан олмаслиги ҳам ортда!..

Ҳаммаси ортда.

Бугун байрам.

Бугун кўп йиллик курашнинг, кўп қонлар тўкилиши ва жонлар берилиши йилларининг натижасида келган кун.

Мустақиллигинг абадий бўлсин, азиз Ватаним!

**Азамат ТОИРОВ,**
**талаба**

**ШУ СОННИНГ**

**2-саҳифасида:**

- ***Эр хотинига қўл кўтаравергач, хотин эрга тиғ кўтарди.***
- ***Эҳтиёткорлик - ўт балосидан асрайди.***
- ***Яхши амаллар зое кетмайди.***

**3-саҳифасида:**

- ***Жамғарма мактаб қурмоқчи!***
- ***«Тўрт йилдан бери меҳнат таътилига чиқмагандим...»***
- ***Жанна д'Арк билан музейда «учрашиш» мумкин.***

**4-саҳифасида:**

- ***Додаларнинг ҳам, боболарнинг ҳам қадрига етайлик!***
- ***Ўттиз тўрт ярим метрлик... мактуб.***
- ***Дуч келган одамга ҳасрат қилиб бўлади(ми)?***

MAHALLA

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

**Нашр кўрсаткичи:** 148

**Ҳомий:**
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

**Таҳририят манзили:**
Тошкент,
Буюк Турон кўчаси,41-уй

**Телефонлар:**
Хатлар бўлими: 136-53-75,
масъул котиб: 136-53-75
ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

**Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.**

**E-mail:mahalla@gazeta.silk.org**

